O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 3 июнь ШАНБА

№ 43 (11.846)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

«Пахта», «Оқ олтин», «Тонг», «Саройбоп»... Бу совғабоп чинни буюмлар Тошкент туманидаги «Миллий чинни» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқараётган 30 га яқин турдаги маҳсулотларнинг айримлари, холос! Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг ҳаммаси харидоргир, дўконлар пештахталарида туриб қолмаяпти.

Ўзбекистон – Россия:

ЯНГИ УФҚЛАР ОЧИЛДИ

Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари тобора ортиб бораяпти. Янги асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар ва иш усулларини қўллаш изчил давом этмоқда. Янги техникани жорий қилиш бўйича кейинги икки йил давомида амалга оширилган ишлар корхона қувватини сезиларли даражада ошириш имконини берди. Айниқса, чинни пиширувчи печларнинг ишга туширилиши жуда қўл келди. Ишчи-хизматчилар сони бир неча баробар кўпайди. Ҳозир унинг цехларида илгари фақат уй-рўзғор ишлари билан банд бўлган аёллар ва ёшлар меҳнат қилмоқдалар.

Бундай ютуқларга эришишда россиялик ҳамкорлар билан пухта йўлга қўйилган иқтисодий алоқалар катта ёрдам бермоқда. Россиядаги Богдановиченск чинни заводи акциядорлик жамияти билан мустаҳкам алоқа боғлаган ўзбек чиннисозлари шу корхонада тайёрланган, аммо пардоз берилмаган турли чинни буюмларни олиб, уларга қўшимча ишлов беришади ва сотишга тайёрлашади. Бундан ташқари чиннисозлар барча буюртмаларни вақтида ва сифатли бажариш билан харидорларнинг ишончини оқламоқдалар.

— Мамлакатимиз билан Россия давлати ўртасида иттифоқчилик муносабатларининг ҳар томонлама ривожланиб бориши албатта, жамоамизнинг рус ҳамкасблари билан ҳамкорлиги янада кучайиши учун қулай шароитлар яратади, — дейди жамиятнинг тажрибали ишчиларидан бири Махфуза Мамажонова. — Иқтисодий алоқаларда янги уфқлар очилишига қатъий ишонамиз. Кўп йиллик ўзаро муносабатларимиз бундай фикр билдиришга асос бўла олади. Энг муҳими, ҳамкорликнинг янада кенгайиши харидоргир чинни маҳсулотларини тайёрлаш ҳажми ва турини кўпайтириш, айни вақтда сифатини янада ошириш учун қулай шароитлар юзага келтиради. Бу билан янги иш ўринлари барпо этилади ва ўнлаб ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш имконини беради.

Собир МИРЗАЕВ.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Эндокринология илмий-тадқиқот институти, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси, шаҳар ва туман жамиятлари раислари иштирокида семинар-тренинг ўтказилди.

ФОЙДАЛИ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР

Унда йод танқислиги касалликлари, асоратлари ва тарқалиши, истеъмол бозорида сотилаётган ош тузининг сифатини ва йодланиш даражасини ўрганиш юзасидан мониторинг тартиб-қоидалари ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари масалалари кўриб чиқилди.

Бекобод шаҳри, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Зангиота туманларида ҳам шундай тадбирлар ўтказилди.

Чунончи, Зангиота тумани, Назарбек қишлоқ фуқаролар йиғинидаги М. Мусаев маҳалласида ўтган семинар-тренингда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таянч гуруҳи раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари, тиббиёт ва халқ таълими ходимлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, эндокринологлар, санитария-эпидемиология назорати маркази ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Маҳалла идораларида истеъмолчи бурчагини ташкил қилиш, истеъмолчиларга аниқ маълумот бериш ва уларни тўғри йўналтириш юзасидан тажриба алмашилди. Қатнашчиларга ички истеъмол бозорида йодланган ош тузи мониторингини ўтказишда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ходимлари ва аъзолари учун методик йўл-йўриқлар берилиб, ош тузларининг йодланганлик даражасини аниқлайдиган индикаторлар тарқатилди.

А. НУРМОНОВ.

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Вилоят адлия бошқармасида шу мавзуда вилоят ФХДЁ бўлимлари ҳамда диний ташкилотларнинг ҳамкорлигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита аъзолари, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси, Адлия вазирлиги, вилоят ҳокимлиги вакиллари, туман ва шаҳар ФХДЁ бўлимлари ходимлари, имом-хатиблар иштирок этишди.

— Халқимиз ёш оиланинг вужудга келиши билан боғлиқ муқаддас удумларимизга қатъий амал қилади, — деди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Атаматов. — Уларнинг бу ҳаракатларини Конституцияда белгиланган, ҳуқуқий кафолатланган меъёрлар асосида йўналтириш, мустаҳкамлаш бизнинг асосий вазифамиздир.

— Ҳақиқатан ҳам никоҳ ва оила — муқаддасдир, — деди Абдураззоқ ҳожи Юнусов. — Ёшларда никоҳнинг аҳамияти, ҳалоллик, эътиқод каби улуғ қадриятларга ҳурмат, садоқат туйғуларини шакллантиришда шахсий ибрат кўрсатишимиз лозим.

Қонуний никоҳдан ўтиш баробарида шариат маросимлари ҳам қатъий тартибга солиниши, ҳужжатлаштирилиши ҳақидаги фикр ва таклифлар, мулоҳазалар асосида мукаммал қоидалар ишлаб чиқилиши кўзда тутилганлиги ҳақида сўз борди.

Шунингдек, вилоятда «Соғлом оила» тушунчасига мос келмайдиган «Оталикни белгилаш», «Ёлғиз оналик» ҳолатлари ўтган йиллардагига қараганда анча кўпайгани таъкидланди. Анжуман иштирокчилари бу муаммони ечишга оид шахсий фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Пилла — 2006

ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ХИРМОНИ

Ипак қурти парваришлаш агротехникасини йилдан-йилга такомиллаштириб, чуқур тажриба орттириб бораётган вилоятимиз пиллакорлари шартнома режасини мамлакатда илғорлар қаторида бажардилар. Қабул пунктларига 1170 тоннадан ортиқ қиймматбаҳо саноат хом ашёси топширган пиллакорларимиз зиммаларидаги масъулиятли вазифани ўтган йилларга нисбатан анча барвақт уддаладилар.

Албатта, ҳеч қандай муваффақият ўз-ўзидан келмайди. Унинг замирида тинимсиз меҳнат, самарали изланишлар, чуқур масъулият ётади. Шу маънода, вилоятимиз пиллакорларининг улкан меҳнат зафари ҳақида сўз борганда, имконият ва муваффақиятларга йўл очган муҳим омиллар хусусида алоҳида тўхталиш ўринлидир.

Аввало, ипак қурти парваришини етарли озуқа манбаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада бутун вилоятимизнинг пилла етиштириладиган туманларида озуқа захираларини босқичма-босқич бойитиб боришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, янги-янги мўл ва сифатли барг берадиган тутзорлар барпо этишга киришилди. Ўтган бир-икки йил ичида тут плантациялари 250 гектарга кенгайтирилди. Умумий тутзорлар эса 3510 гектардан ошди. Уларга вақтида, керагича агротехник ишловлар бериш, сифатли парваришлаш ҳам мутасаддиларнинг доимий эътибор марказида.

Шу билан бирга, бу йил мавсумга тадорик кўриш, қуртхоналарни таъмирлаш, шарт-шароитларини яхшилаш, тегишли шартномаларни пишиқ-пухта тузиш, қурт боқиладиган хонадонларни танлаш, жиҳозлашга анча барвақт киришилди. Ипак қурти парваришининг мукаммал жиҳатлари, турли касалликларга қарши воситалар, шунингдек зарур анжомлар таъминотига етарли аҳамият берилиб, улар мавсум бошиданоқ тахт қилиб қўйилди. Хусусан, 70 тонна тўшама қоғоз, зарур кимёвий ашёлар пиллакорларга вақтида етказиб берилди.

Пиллакорларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш, қилаётган меҳнатларига яраша рағбатлантириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Бинобарин, муваффақиятнинг бирламчи омили ҳам шу бўлди, десак хато қилмаймиз. Мавсум бошидан пиллакорларга бўнак тарқасида 347 миллион сўм пул тарқатилди.

Мавсум олди ва давомида кўрилган чора-тадбирлар, пиллакорларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик бесамар кетмади. Пиллакорларимиз етиштирган ҳосилнинг қарийб 90 фоизи юқори навларга қабул қилинди. Вилоят бўйича ҳар қутидан олинган кумуш тола ўртача 54 килограммдан тўғри келди.

Илғор туманлар ҳар йилга анъаналарига содиқ қолиб, вилоят пилла хирмонига баракали улуш қўшди. Хусусан, бекободлик пиллакорлар зиммаларидаги топширикни бу йил вилоятда биринчи бўлиб уддалашга эришди. Туман бўйича 185 тоннадан зиёд кумуш тола йиғиштириб олинди. Катта карвон кетидан Бўка, Оққўрғон, Чиноз, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ туманлари пиллакорлари ҳам умумий хирмонга барака киритдилар.

— Туманимиз хирмонига 180 килограмм пилла етказиб бердик, — дейди Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги пиллакори Салима Орипова. — Ҳар қутидан 65 килограммдан ҳосил олдик. Эришган самарадорлигимизга яраша мўмай даромадга ҳам эга бўлдик.

Мавсумда юқори ҳосилдорликка эришган хўжаликлар ҳақида гап кетганда, Бекобод туманидаги «Дўстлик», Навоий номли, Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон», Чиноз туманидаги «Гулзоробод» Бўка туманидаги «Хўжақўрғон», «Ачамайли», Юқоричирчиқ туманидаги «Қорасув» каби ширкат хўжаликларини тилга олиш жоиз. Шунингдек, пиллачиликда илғорликни қўлдан бермай келаётган бу туманлардаги фермер хўжаликларида ўртача ҳосилдорлик 60, ҳатто, 70-75 килограммга етди.

Вилоятимиз пиллакорлари шартнома режасини бажарган бўлсаларда, туманларда пилла терими давом этмоқда. Табиий муҳит туфайли мавсум бироз чўзиладиган Бўстонлиқ, Оҳангарон туманларида ҳосил йиғиш авж паллага кирди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



СУРАТЛАРДА: *Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги илғор пиллакори Салима Орипова; Оҳангарон тумани бош пиллахонасида хом ашё қабул қилинмоқда.*

Даврон АҲМАД ва Пардавой ЭРГАШЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕК КУРАШИ – ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Осиё кураш конфедерацияси раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида «Ўзбек курашининг Осиёда тутган ўрни» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда шу йил охирида Қатар пойтахти Дохада бўлиб ўтадиган Осиё ўйинлари таркибига ўзбек курашининг киритилганлиги ва курашнинг жаҳонда энг тез оммалашаётган спорт турига айланиб улгурганлиги, шу йилнинг ўзидаёқ Осиё кураш конфедерациясига Таиланд ва Макао давлатлари ҳам расмий аъзо бўлишганлиги таъкидлаб ўтилди.

Осиё ўйинларида 20 нафар эркак ва 10 нафар аёл курашчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Анжуман давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Отаёр ТОҒАЕВ.

УСТОЗЛАР ЎГИТИ

Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида хизмат интизомини яхшилаш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган учрашув ўтказилди.

Унда устоз-шогирд тамойилларига амал қилиниб, ўз ҳаёт йўллари, тажриба ва билимларини ёшларга етказиш учун сўзга чиққанлар ёш ходимларни ички тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш, интизомли, ахлоқ-одобли, ўз касбига муносиб бўлиш учун зиммаларидаги вазифаларига виждонан ёндашишга чақирдилар.

Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари аввало, аҳоли орасида хушмуомала бўлишлари зарурлиги таъкидланди.

Учрашув самимий руҳда ўтди. Устозлар ўзларининг ёрқин хотиралари, фаолиятларидаги эсда қоларли, ибратли воқеалар, устозларидан олган сабоқлари ҳақида тўлқинланиб гапириб бердилар.

Ўз навбатида ёш ходимлар ҳам кекса авлод бошлаб берган хайрли ишларни, анъаналарни давом эттириб, бу йўлда бор билим, маҳорат ва куч-матонатларини сафарбар этажакларини таъкидладилар.

Шерали АНВАРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

МАҚСАД – ТЕЗ ВА СОЗ ЎРИБ ОЛИШ

Вилоятимиз туманларида бу йил ҳам ғалладан мўл ва эртаки ҳосил етиштирилди. Айни дамдаги энг долзарб, масъулиятли вазифа ризқ-рўзимизни нест-нобудгарчиликсиз ўриб-янчиб олиш, бошоқли дон етиштириш бўйича тузилган контрактация шартномаларини қисқа муддатда, ортиғи билан бажаришдир.

Бекобод тумани ғаллакорлари ўтаётган ҳар кунни ғанимат билиб, муҳим мавсумга пухта тайёргарлик кўрдилар. Улар 8500 гектар майдонда етиштирилган ҳосилни уч ҳафтада саранжомлаб олишни мақсад қилишган.

— Бунинг учун, аввало, техник имкониятларимизни мустаҳкамлаб олдик, — дейди «Туман машина-трактор парки» очиқ акциядорлик жамияти раиси Пиримқул Қўшбоев. — Ўримга сафарбар этиладиган барча техника воситалари, хусусан, юқори унум ва сифат билан ишловчи «Кейс» русумли комбайнларимиз капитал таъмирланди. Ёқилғи-мойлаш ашёлари, эҳтиёт қисмлар захираси яратилди. Зарур бўлганда, техникаларга дала бошида бирламчи сервис хизмати кўрсатувчи гуруҳлар тузилди. Барча малакали механик ва операторлар ўрим агрегатлари бир маромда ва унумли ишлашини таъминлаш учун сафарбар этилмоқда. Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилиш чоралари ҳам кўрилди.

Ш. ГАЙРАТОВ.

СУРАТДА: *«Кейс» оператори Худойберди Шамсиев мавсумга яхши ҳозирлик кўрганидан мамнун.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Маҳорат кўриги

КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Чирчиқ шаҳрида 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга жалб қилиш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг битирувчиларини иш билан таъминлашга бағишланган анжуман ҳамда ўқув устахоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган халқ таълими ҳамда касб-ҳунар коллежларининг вакиллари Олимпия захиралари касб-ҳунар коллежининг соя-салқин хиёбонларига жойлаштирилган кўргазмаларни завқ билан кўздан кечирдилар.

Вилоят ҳокими Мирзамашрап Кучиев, бошқарма бошлиқлари, баъзи жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларнинг етакчилари касб-ҳунар коллежлари кўргазмалари билан танишиб, устозлар, талабалар ва тўққизинчи синфларнинг битирувчилари билан суҳбатлашишди. Вилоят ҳокими катта ҳаёт йўлига чиқиб бораётган йигит-қизларга омад тилади.

Бадиий қисм, касблар олами бўйлаб саёҳат йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Устозлар умумтаълим мактабларининг тўққизинчи синфларини битираётган йигит-қизларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш, битирувчиларни

(Давоми 2-бетда).

5 июнь — Жаҳон атроф-муҳит куни

5 июнь бутун курраи заминда Жаҳон атроф-муҳит куни сифатида нишонланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарорига асосан 1972 йилда таъсис этилган бу сана бутун дунёда табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатининг янада кенгайишига туртки бўлди.

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИГА БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

Бу санани вилоятимиз экологлари қандай натижалар билан кутиб олишяпти? Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобил Соқиев бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ҳозирги вақтда экология муаммолари жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган умумбашарий масалалардан бири бўлиб қолди. Бизнинг вилоятимизда ҳам табиатни авайлаб асраш, уни ифлослантирувчи хатти-ҳаракатлардан муҳофаза қилиш ва келажак авлод учун мусаффо ҳолда етказиш мақсадида қатор таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республика мустақиллиққа эришганидан кейин бу масалага эътибор кескин кучайди. Дастлаб табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонун, шу мақсадга қаратилган қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда табиатни

(Давоми 2-бетда).

Маҳорат кўриги

КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

иш билан таъминлаш масалалари хусусида фикрлашиб олишди.

Якунланган ўқув йилида бу коллежларни 2054 ўқувчи битираяпти. Янги ўқув йилидан бошлаб 2075 ўқувчи деҳқон-фермер, чорвадор-фермер, ветеринар-фельдшер, қишлоқ хўжалик машина ва ускуналарини таъмирлаш мутахассисликларини эгаллашга киришади.

Анжуман жараёнида Абдураҳмонов номли қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи кўргазмасини кўздан кечириб, устозлар ва уларнинг шогирдлари билан суҳбатлашдик.

— Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, — деди коллеж директори ўринбосари Анвар Мирзаев, — ҳозирги пайтда ўқув хоналаримиз энг замонавий таълим ва ўқитиш воситалари билан жиҳозланган. Ўтган йили коллежимиз муфассал таъмирланиб, тамомила янгиланди. Бу ишларга 1 миллиард 117 миллион сўм сарфланди. Биз қишлоқ хўжалигини механизациялаш, фермер хўжалигини юритиш, автомобилсозлик, ҳисоб-китоб иши, ахборот ва коммуникация технологиялари йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаяпмиз.

Касб-ҳунар коллежларимизни битириб чиқаётган йигит-қизлар бугун қурилиш ва миллий ҳунармандчилик, маиший хизмат ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияси, энергетика ва саноат сингари хилма-хил йўналишлар бўйича 40 дан ортиқ касбларни эгалламоқдалар.

Чирчиқ хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ясаган буюмлар кўргазмасини кўздан кечириб, сифатли, пишиқ ва бежирим бажарилган ишлардан бир олам завқ олдик. Коллеж директори Баҳодир Исроилов бу йил ўқишни битираётган 198 ўқувчининг 90 фоизи учун аллақачон иш жойларидан талабнома олинганлигини мамнуният билан таъкидлади. Пировардида: «19 ўқувчимиз олий ўқув юртларига ҳужжат топширмоқчи», деб қўйди. Маълум бўлишича, ҳар йили битирувчиларнинг 9-10 фоизи имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришади.

Устоз Светлана Цой янги педагогик технологияларни масофавий ўқитиш борасида бой тажриба тўплаган. Фёдор Пак, Равшан Раимбоев, Нуриддин Раҳмонбердиев сингари касб усталаридан таълим олиб, пайвандлаш, металларга ишлов бериш, назорат-ўлчов асбоблари операторлиги касбларини эгаллаган йигит-қизлар бугун «Электркимёсаноат», «Ўзкимёмаш» корхоналари, Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «ДЭКО» Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналарида малакали ишчилар сифатида танилишмоқда.

Кўргазмани айланиб, ўқув - устахоналарида «қўлбола» деталлардан тайёрланган ноёб ускуналар ва машиналарни кўздан кечирдик. Ўқувчилар қўлидан чиққан ўйинчоқлар, иситгич ёки ёритгичлар, кийим-кечаклар, эшик-дераза ромлари кўзни қувонтиради.

Анжуманда ҳакамлар ҳайъати аъзолари кўргазмаларни синчиклаб кўздан кечириб, ғолибларни, усталарнинг усталарини аниқлашди. Янгиобод радиотехника касб-ҳунар коллежи биринчи, Чирчиқ шаҳар хизмат кўрсатиш коллежи иккинчи, Қибрай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи учинчи ўринларни эгаллади. Қувонарлиси, устахоналарда ясалган буюмлар бўйича тадбиркор жамоа, моҳир уста, ёш ижодкор, моҳир қандолатчи, энг яхши ҳунарманд сингари 15 йўналиш бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Улар дипломлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодиёт ва ислоҳот

СОЛИҚ — ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

шунинг учун ҳам солиқсиз давлат, давлатсиз солиқ бўлмайди

Солиқ тўлаш — фуқароларнинг конституциявий бурчи. Конституциянинг 51-моддасида ёзиб қўйилган: «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар». Зеро, солиқлар иқтисодий салоҳият ва келажакка хизмат қилади. У ёш авлодни ўқитиш, соғлиқни сақлаш, аҳоли эҳтиёжларини қондириш, пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларнинг вақтида берилишини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, илм-фан, маданият ҳамда спорт соҳаларини ривожлантириш каби тадбирларга сарфланади.

— Айни шу жиҳатларни ҳар бир фуқаро яхши тушунмоғи ва солиқ тўлаш орқали халқимиз равнақи учун ҳисса қўшаётганини чуқур англамоғи лозим, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ғайрат Абдувоҳидов. — Лекин, афсуски, буни ҳамма ҳам бирдек тушунмаяпти. Масалан, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, улар фаолиятига чек қўйиш мақсадида олиб борилган назорат ишларимиз натижасида шу йилнинг дастлабки уч ойида 83 та ҳолатда яширин цехлар, 107 та ҳолатда назорат касса машиналари ёки квитанциядан фойдаланмаслик ҳоллари аниқланди. 2006 йил 1 май ҳолатига кўра қўлбола спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган 5 та яширин цех фаолиятига чек қўйилди.

Бугина эмас, қўлбола мойжувозда ёғ ёки озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини яширинча ишлаб чиқариш ҳолатлари ҳам тўхтатилди. Тахминан 3,8 миллион сўмликдан ортиқ тайёр маҳсулотлар, хом ашёлар ҳамда 245 та махсус мослама дастгоҳлар ва бошқа воситалар олиб қўйилди...

Биргина мисол: Бекобод туман «Авангард» фермерлар уюшмасининг участка давлат солиқ инспектори билдиргисидан:

«...Авангард» фермерлар уюшмасида истиқомат қилувчи Аширқулов Абдуҳошим исмли фуқаронинг хонадонига борилганда, у ҳеч қандай ҳужжатсиз, маҳсулот сифатини тасдиқловчи маълумотномалар бўлмаган ҳолда, тахминан хорижда ишлаб чиқарилган 36 дона 220 литрли елим идишга қуйилган жами 7740 литр этил спиртини ноқонуний сақлаётганлиги аниқланди».

Бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосарининг мисолларидан яна бирига эътибор қилинг:

Янгийўл шаҳар, Охунбобоев кўчасидаги фуқаро Зулфия Миролимовага қарашли дўкон пештахталарида сотувга озиқ-овқат маҳсулотлари, салқин ичимликлар, акциз маркаси билан елимланган ва елимланмаган тамаки маҳсулотлари қўйилганлиги аниқланди. Бу маҳсулотлар ҳамда дўконда савдо қилиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлар сўралганда, сотувчи З. Миролимова ҳеч қандай ҳужжатлар тақдим этолмади. Текширув давомида мижозлардан тушган нақд пуллар холислар иштирокида саналганда 456450 сўм чиқди.

Ёки яна бир ҳолат: 2006 йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талаблари ижро этилиши юзасидан Оҳангарон туманидаги «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғинида рейд текшируви ўтказилди. Маълум бўлдики, 2006 йил 19 апрель куни шу фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Янги қишлоқ» маҳалласидан чиқиб келаётган Қобил Тожибеков бошқарувидаги ГАЗ-52 русумли (давлат рақами 11 D 4928) юк автоулови тўхтатилди. Унинг юкхонасида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган минерал ўғит олиб келинаётган экан. Маҳсулот фуқаро Қизилгул Йўлдошевага тегишли бўлиб, уни «Янги қишлоқ» маҳалласида яшовчи Абдуғаффор исмли фуқародан ҳар килограммини 160 сўмдан (жами 1000 килограмм — 160000 сўм) нақд пулга сотиб олганлиги аниқланди. Маҳсулотнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқ эди. Абдуғаффор Ашуров хонадони кўздан кечирилиб, 8100 килограмм минерал ўғит (сульфат аммоний — 1211995 сўмлик ҳамда Қ. Йўлдошева томонидан харид қилинган 1000 килограмм суперфосфат ўғити (244197 сўмлик), жами — 1456192 сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида олиб қўйилди ва вақтинчалик сақлаш учун «Қишлоқхўжаликкимё» Оҳангарон туман филиали корхонасига топширилди.

Ҳозир ушбу қонунбузарлик юзасидан тўпланган ҳужжатлар прокуратура органларига юборилган ва дастлабки суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда солиқ бошқармаси жамоаси томонидан узоқ муддатдан буён фаолият кўрсатмаётган (ёки иқтисодий ночор) 225 та хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан «Банкротлик тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда банкротлик тамойилларини қўллаш юзасидан Хўжалик судларига таклифлар киритилмоқда.

Шунингдек, барчага бирдек белгиланган солиқ тўловларидан бўйин товлаб, яширинча ҳаракатлар билан ғайриқонуний ишларга қўл урган «тадбиркорлар» ҳам йўқ эмас. Давлатнинг солиқ ва бошқа тўловлари ўз вақтида тўланмаган баъзи хўжалик юритувчи субъектларнинг қарзларини мажбурий ундиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки, биринчи навбатда молиялаштирилиши лозим бўлган тармоқларда ишлар режа асосида олиб борилиши учун мазкур йўналишдаги вазифаларда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Соҳибжон САЛИМОВ.

Шу кунларда пойтахт ва вилоятимиз бозорларида, савдо дўконларида янгича кўринишдаги қурилиш бўёқлари сотувга чиқарилмоқда.

«ТЕЗИНТОМ»: СИФАТЛИ ВА ИШОНЧЛИ

«Тезинтом» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг юртимизда фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, ўзининг кўп тармоқли фаолияти, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан шуҳрат қозонмоқда. Ўтган йили компаниянинг тизимига қарашли ишлаб чиқариш цехи Қибрай туманида иш бошлаган эди. Бугунги кунга келиб ҳар ойда 80 тонна тозаловчи воситалар ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказилмоқда.

Яқинда «Тезинтом»чилар «ПФ-115» эмаль, сув эмульсияли, акрил ҳамда бинонинг олд томонини бўяш учун ишлатиладиган лаклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Ушбу цех йилига 260 тонна маҳсулот етказиб бериш қувватига эга. Россия давлатидан келтирилган асбоб-ускуналар ёрдамида бўёқларни турли ҳажмда қадоқлаш имконияти яратилмоқда.

— Қурилиш-ободонлаштириш мавсумида янги турдаги маҳсулотларга талабнинг ўсиши сир эмас, — дейди корхона директори ўринбосари Алишер Хожиев. — Шу сабабдан бунёдкорларимизга янги мавсумда янги таклифларни тақдим этаётганимиздан хурсандмиз. Ҳар қандай об-ҳаво шароити ҳам бу янги бўёқлар рангига, таркибига таъсир ўтказа олмайди.

Ҳозирнинг ўзида вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги қурилиш ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар ушбу корхона билан ҳамкорлик шартномаларини тузишни бошлашди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

БОЛАЖОНЛАР БАЙРАМИ

Вилоятнинг барча шаҳар, туманлари, ҳар бир қишлоқ, овул ва маҳаллаларида болажонларимизнинг севимли байрамлари кенг нишонланди. Мутасадди ташкилотчилар, ўнлаб ҳомийлар «Ҳар бир болага — меҳр-эътибор» шиори остида байрам тантаналарига имкон қадар кўпроқ ўғил-қизларни жалб этишга, байрам шодиёналари ҳар бир хонадонга кириб боришига ҳаракат қилдилар.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг Маданият саройида вилоят ҳамда шаҳар ҳокимлиги уюштирган катта байрам тадбирида кам таъминланган оилалар фарзандлари, иқтидорли болалар иштирок этди. Улар учун қизиқарли ва ёрқин байрам дастури тайёрланди.

Байрам дастурининг очилиш маросимида қатнашган вилоят ҳокимлиги, республика «Маҳалла» жамғармаси, республика Оқсоқоллар кенгаши, республика Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмонан, ақлан ва маънан баркамол бўлиб улғайишлари учун шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканлигини таъкидладилар.

Болажонлар севимли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги катта концерт дастурини завқ билан томоша қилдилар. Томошадан сўнг салқин боғ қўйнида улар учун тўкин дастурхон тузалди. Қатнашчиларнинг барчасига «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими томонидан байрам совғалари тақдим этилди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида байрам тантаналари кўтаринки руҳда ўтди. Жумладан, Бўка тумани «Маданият» болалар спорт мажмуасида кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида асфальтга расм чизиш бўйича танлов ва турли спорт мусобақалари уюштирилди. Мусобақаларда энг яхши натижа кўрсатган ўғил-қизлар ҳомийлар томонидан муносиб тақдирландилар.

Байрам муносабати билан вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев 15-Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳузурида бўлиб, улар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишди ва ҳокимлик номидан телевизор совға қилди. Мазкур муассасанинг иқтидорли тарбияланувчиларига президент совғалари ҳам топширилди.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.

СУРАТЛАРДА: *тадбирдан лавҳалар.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Анжуман

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси вилоят кенгаши «Ўзбекистон ХДП халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида депутатлар гуруҳларининг жойларда диний экстремистик ғояларга қарши курашдаги долзарб вазифалари» мавзусида анжуман ўтказди.

Унда вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ходимлари, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари, партиядан сайланган халқ депутатлари гуруҳи раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Анжуман иштирокчилари партиянинг фаол аёллар ва «Истиқбол» ёшлар қаноти раҳбарлари маъруза ва ахборотларини диққат билан тинглаб, мунозараларда фаол қатнашдилар. Диний экстремизм намоёндалари биринчи навбатда аҳолининг ёш қатламига ўз таъсирини ўтказишга уринмоқда. Чунки, ҳали оқ-қорани яхши фарқламайдиган айрим ўсмир йигит-қизларни экстремизм йўлига осон оғдириб олиш мумкин деб ўйлайдилар. Уларни боши берк кўчадан чиқишига ёрдам бериш Халқ-демократик партияси ҳар бир аъзосининг муқаддас бурчи эканлиги анжуманда алоҳида таъкидланди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Нотариусга ишингиз тушса

ИШОНЧНОМАНГИЗ БОРМИ?

Кейинги пайтда республикада уй-жой, автотранспорт воситаларининг олди-сотдиси бирмунча кўпайди. Маълумки, бу мулклар, албатта, нотариал идоралари томонидан тасдиқланиб, давлат қонун-қоидаларига кўра, маълум фоиз миқдорида давлат ҳисобига бож ундирилади.



«Уй-жой, автотранспорт воситалари учун бож миқдори қанча белгиланган? У қандай ҳужжатларга асосланиб тайинланади?» Бу саволларга жавоб олиш учун Оққўрғон туман Олимкент қўрғонидаги 2-давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси Эркиёр Бурхонов билан суҳбатлашдик.

— Нотариал идоралари томонидан ундирилаётган божлар қайси қонун-ҳужжатларга асосланиб белгиланган?

— Давлат божлари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги қарорига асосан ҳамда энг кам иш ҳақи ҳисобидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Яъни, иш ҳақлари ошса, тўланадиган бож ҳам ошиб боради.

— Ҳозир нотариал идораларига энг кўп автотранспорт воситалари олди-сотдиси шартномалари бўйича мурожаат қилсалар керак. Бундай тўловлар қандай амалга оширилади?

— Албатта, бошқа мулк шаклларига нисбатан автотранспорт воситалари олди-сотди шартномалари бўйича кўпроқ мурожаат қилишади. Чунки, автомобиллар билан боғлиқ шартномаларни республикамизнинг барча ҳудудларидаги нотариал идораларда, уй-жойлар, кўчмас мулк объектларининг шартномалари эса фақат ўз ҳудудидаги нотариал идораларда расмийлаштирилади.

Тўловларга келсак, юқорида айтиб ўтилган қарорга асосан сотилган автотранспорт воситаларини ўз номига ўтказиш учун тўланадиган бож миқдори ўша автомашинанинг ишлаб чиқарилган йилига қараб белгиланади. Масалан, уч йилдан ошмаган бўлса, ҳар бир от кучига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида, яъни 1880 сўм тўланади. Уч йилдан етти йилга 15 фоиз бож ундирилади. Етти йилдан уёғига бу миқдор 10 фоиз қилиб белгиланган.

— Кўпчилик автоуловларни ўз номига ўтказмай, ишончнома билан бошқаради. Бундай ишончномалар учун қанча тўлов ундирилади?

— Кўпчилик билса керак, нотариал идораларда икки хил ишончномалар берилади. Биринчиси — фақат бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома. Уни олиш учун энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида (94 минг сўм) давлат божи тўланади. Иккинчиси эса, бошқариш ҳуқуқидан ташқари автотранспорт воситасини сотиш ҳуқуқини ҳам беради. Бу ишончномага энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида (188 минг сўм) тўлаш керак бўлади.

— Шартномаларни расмийлаштириш ва ишончнома олиш учун қандай ҳужжатлар керак бўлади?

— Биринчи навбатда автомобиль эгаси ва турмуш ўртоғининг паспорти ҳамда унинг розилиги ҳақида ҳужжат талаб қилинади. Чунки, автомобиль эр-хотиннинг умуммулки ҳисобланади. Шунинг учун икки томоннинг розилиги керак бўлади. Шунингдек, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан махсус белги қўйилган автомобилнинг техник паспорти бўлиши шарт.

— Қариндош-уруғлар ўртасидаги ишончномалар, совға ҳисобида бошқа бировнинг номига ўтказилаётган автомобилларнинг тўловлари юзасидан имтиёзлар борми?

— Қариндошлар ўртасида тузилган ишончномани олишда, албатта, имтиёз бор. Бунда қариндошчилигини тасдиқловчи ҳужжат талаб этилади. Тўлови эса энг кам иш ҳақининг 2 баробари (18800 сўм) миқдорида олинади. Совға қилинган автомобиллар учун бизда «Ҳадя» шартномаси расмийлаштирилади. Унга кўра, ота-оналар, эр-хотинлар билан уларнинг болалари ва набиралари ўртасида шартнома расмийлаштирилса, давлат божи ҳар бир от кучи учун энг кам иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида ундирилади. Ака-укалар ўртасида эса, 15 фоиз бўлади. Бегоналар ўртасидаги олди-сотди шартномасида белгиланган миқдорда тўлов ундирилади.

— Автотранспорт воситалари тўғрисида керакли маълумотларга эга бўлдик. Энди уй-жой масаласига тўхталсангиз.

— Уй-жойлар олди-сотдиси учун давлат божи ундириш тартибида тушунарсиз, мураккаб жараёнлар деярли йўқ. Уй сотилгандан сўнг, уй эгаси жойлардаги Давлат кадастрлар тизими бўлимларидан уй-жойга нарх чиқартириб олиб келишса, ўша суммaнинг 10 фоизи давлат божи учун тўланади. Албатта, у нархлар бозор нархидан анча арзон бўлади.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Камолиддин АСҚАРОВ суҳбатлашди.

5 июнь — Жаҳон атроф-муҳит куни

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИГА БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

асрашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари белгилаб берилди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ўз фаолиятида ана шу ҳужжатларда белгиланган тамойилларга қатъий риоя қилмоқда. Экологларимиз бу соҳада саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, хўжаликлар ва муассасалар, жамоат уюшмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Бўстонлиқ, Бўка, Паркент, Оққўрғон, Қуйичирчиқ туманлари ҳамда Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод, Ангрен каби йирик саноат шаҳарларида табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Вилоятимиздаги 6 та минтақавий ва 10 та туман табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ўз фаолиятларини олти йўналишда давом эттирмоқда.

2006 йилнинг ўтган даврида йирик корхоналарда капитал маблағ ҳисобидан табиат муҳофазасига қаратилган 21 тадан ортиқ тадбир ўтказилди. Бунинг учун, 1 миллион 700 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Бошқа корхона ва ташкилотлар ҳам ўз жамғармалари ҳисобидан бу хайрли ишга сармоя сарфламоқдалар. Натижада атмосфера ҳавосини булғатиш, сув манбаларини ифлослантириш ҳоллари анча камайди. Масалан, шу йилнинг биринчи чорагида атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддалар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 минг тонна, оқавалар эса 1,2 миллион куб метр қисқарди.

Бугун барча корхона ва ташкилотларда, ўқув масканларида, аҳоли турар-жойларида экологик ҳашар ўтади. Оммавий бўладиган бу тадбирда кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилади, тушган маблағ эса экологик жиҳатдан ноқулай бўлган минтақалар аҳолиси ва ижтимоий объектларга инсонпарварлик ёрдамини уюштиришга йўналтирилади. Ҳамма жойда унинг юқори савияда ва самарали ўтишига алоҳида эътибор қаратилади.

Экологларимиз ўз фаолиятларида жойлардаги ҳокимликлар, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, халқ таълими идоралари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни бундан буён янада такомиллаштириш учун бор имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилмоқдалар.

Суҳбатни «Тошкент ҳақиқати» мухбири Мирсобир МИРҲАМИДОВ ёзиб олди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 5

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Коинот бўйлаб саёҳат». 2-қисм.
9.45 «Камалак» экрани.
10.35 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ақл ва идрок».
11.50 «Донишманд Натан». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.55 «Донишманд Натан». Спектакль. 2-қисм.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 «Оддий ҳақиқатлар».
16.15 «Одами эрсанг...»
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.40 «Умр мазмуни». 1-қисм.
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Боғ». Видеофильм. 1-қисм.
19.05 Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига: «Табиатни асранг». Видеофильм.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир ўлка-ки...»
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Туёқлилар».

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.20 Шум болалар.
16.30 Истеъмолчи учун қўлланма.
16.45 Оила-муқаддас маскан.
16.50 Билганингиз фойда...
17.05 Давр репортаж.
17.15 Ёшлар овози.
17.30 SMS-кинотанлов.
17.35 Мусиқий лаҳзалар.
17.45 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
17.55 Анонслар.
18.00 «Шамолларда қолган ҳисларим». Б/ф 1-қисм.
18.45 UzEX хабарлари
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 CINEMANIYA.
20.00 Спорт-лото.
20.10 UzEX хабарлари.
20.20 Ракурс.
20.35 Ёшлик наволари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Лафз». Б/ф. 1-қисм.
21.40 Анонслар.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Кино SMS.
22.40 Интерфутбол.

ТОШКЕНТ tTV

8.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида»
19.15 Бутун жаҳон Атроф муҳитни муҳофаза қилиш кунига.
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 22.15 «ТВ анонс».
20.25 «Камила». Т/с.
20.45, 21.20 «Телекурьер маркет».
20.55 «Тв юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Журналист таҳлили».
21.55 «Моҳир»
22.20 «Мулоҳоза учун мавзу».
22.55 Алп Жамол «Тойчоқ». Видеофильм. 4-5-қисмлар.

СПОРТ SPORT TV

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия».
8.30 М/с.
9.00 «Талқин».
9.30 Ўзбекистонда каратэ.
10.00 Теннис. Ролан-гаррос.
10.50 «Живые легенды моря». Д/ф.
11.15-12.10 «Талисман». Т/с.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 М/ф.
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 «Футбол шарҳи».
20.50 «Спортимиз маликалари».
21.15 «Тет-а-тет».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Срочный вылет». Т/с.
22.40 «Проф-РИНГ».

СЕШАНБА 6

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Туёқлилар».
9.40 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Шумтакалар».
10.35 «Остонаси тиллодан».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Шаҳрихон». «O'zbektelefilm».
12.30 «Табиатни асранг». Видеофильм.
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 «Одами эрсанг...»
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Бурч ва масъулият».
17.40 «Умр мазмуни». 2-қисм.
18.00 «Агар Сиз...»
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.25 «Боғ». Видеофильм. 2-қисм.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Сиз соғинган оҳанглар». Т. Қодиров.
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Тириклик манбаи».

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

16.00 Давр.
16.10 Ватанпарвар.
17.10 Анонслар.
17.15 Эврика.
17.25 Болалар табассуми.
17.30 Ёшлар овози.
17.45 CINEMA BOLLIVUD.
18.00 «Шамолларда қолган ҳисларим». Б/ф 2-қисм.
18.45 Мусиқий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 Таълим ва тараққиёт.
20.00 «JOKER» телелотереяси.
20.10 ТВ-дорихона.
20.20 Автопатрул.
20.40 Ёшлар қуйлаганда.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Лафз». Б/ф 2-қисм.
21.45 Анонслар.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 «Менинг исмим масҳарабоз». Б/ф. 1-қисм

ТОШКЕНТ tTV

18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт»
18.50 «23,5 даражали бурчак остида»
19.15 «Келажакка интилиб».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 22.10 «ТВ анонс».
20.25 «Камила». Т/с.
20.45 21.20 «Телекурьер маркет».
20.55 «ТВ юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Бахтли бўлинг».
22.15 «Д`артаньян ва уч мушкетёр». Б/ф. 1-қисм.

СПОРТ SPORT TV

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 М/с.
8.45 «Спорт-клуб».
9.00 «Хабарлар».
9.20 «АВТОграф».
10.00 Теннис. Ролан-гаррос.
10.50 «Живые легенды моря». Д/ф.
11.15-12.15 «Талисман». Т/с.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 М/ф.
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Ким нимага қодир?»
19.10 «В поисках приключений».
20.00 «Вести».
20.30 «Во имя жизни».
21.00 «Баҳодирлар ўйини».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Срочный вылет». Т/с.
22.40 Фигурали учиш. Юлдузлар чиқиши.

ЧОРШАНБА 7

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Тириклик манбаи».
9.40 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 2. «Шумтакалар». М/с.
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 Олтин мерос.
12.05 «Агар Сиз...»
12.25 «Одамлардан бири».
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 «50х50». Ток-шоу.
16.15 «Саломатлик» дастури.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.45 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.05 «Мозий сирлари». 1-қисм.
18.25 «Боғ». Видеофильм. 3-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Зулмат элчилари».

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Расмлар сўзлаганда.
8.15 «Болалар экрани»да спорт.
8.30 1500 сония...
8.55 Анонслар.
9.00 «Чортоқ».
9.10 «Ун етти ёшлилар». 1-қисм.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 «Ун етти ёшлилар». 2-қисм.
11.05 Якшанба нонуштаси.
11.40 Билганингиз фойда...
11.55 ТВ-дорихона.
12.05 Ракурс.
12.25 «Тақдир». Т/с.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 «Ратилар оиласи».
14.25 Таълим ва тараққиёт.
14.40 Автопатрул.
15.00 Мусиқий лаҳза.
15.05 «Даллас». Т/с.
15.55 Енимдаги бахт.
16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.15 Рўзғор мактаби.
16.45 Матонат.
17.00 Ёшлар овози.
17.15 Хазина. Санъат музейи.
17.35 Мусиқий лаҳзалар.
17.50 Анонслар.
18.00 «Шамолларда қолган ҳисларим». Б/ф 3-қисм.
18.45 Каталог.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 Ҳарбийлар.
20.00 Спорт-лото.
20.10 «Ҳандалак».
20.40 Ёшлик наволари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Лафз». Б/ф 3-қисм.
21.45 Анонслар.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 «Менинг исмим масҳарабоз». Б/ф. 2-қисм.

ТОШКЕНТ tTV

18.15 Болажонлар экрани.
18.30 «Пойтахт»
18.50 «23,5 даражали бурчак остида»
19.15 «Саломатлик маскани».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20 21.50 «ТВ анонс».
20.25 «Камила». Т/с.
20.45, 21.20 «Телекурьер маркет».
20.55 «ТВ юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Ҳамшаҳарлар».
21.55 «Д`артаньян ва уч мушкетёр». Б/ф. 2-қисм.

СПОРТ SPORT TV

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 М/с.
8.45 «Движение – жизнь».
9.00 «Хабарлар».
9.20 Профессионал баскетбол. NBA.
10.20 Теннис. Ролан-гаррос.
11.15-12.15 «Талисман».
18.00 «Шохрўх клуби».
18.15 М/ф.
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Чудачества».
19.15 «Сто величайших открытий».
20.00 «Вести».
20.30 «Шарқ яккакурашлари».
20.50 Бадиий гимнастика. Гран-при.
21.20 «Тет-а-тет».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Срочный вылет». Т/с.
22.40 «Автомотоспорт».

ПАЙШАНБА 8

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Зулмат элчилари».
9.45 1. «Қувноқ стартлар». 2. «Шумтакалар». М/с.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 «Чехраси гул Наманган».
12.25 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 Жаҳон мусиқаси ҳазинасидан. Д. Верди. «Отелло». 1-қисм.
16.25 1. «Болалар дунёси». 2. «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Табаррук замин».
17.45 «Фуқаролик жамияти сари».
18.05 «Мозий сирлари». 2-қисм.
18.25 «Боғ». Видеофильм. 4-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ватан туйғуси».
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Дельфинлар».

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Расмлар сўзлаганда.
8.15 Китоб жавони.
8.25 «Ранчодаги уйча». М/ф.
9.35 Анонслар.
9.40 Мактаб соғинчи.
10.00 Давр.
10.15 «Парилар салтанати». Б/ф 1-қисм.
11.30 Суҳандон лутфлар. Аския.
12.25 «Тақдир». Т/с.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 «Ратилар оиласи». М/ф.
14.25 Ҳарбийлар.
14.45 Мусиқий лаҳза.
14.50 Замондош.
15.05 SMS-кинотанлов.
15.10 «Даллас». Т/с.
15.55 Оила-муқаддас маскан.
16.00 Давр.
16.15 Тут сайли.
16.30 Чемпион сирлари
16.55 Ёшлар овози.
17.10 Мусиқий лаҳза.
17.15 Қонун ҳимоясида.
17.35 Шифокор қабулида.
18.00 «Шамолларда қолган ҳисларим». Б/ф 4-қисм.
18.45 Мусиқий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Сифат белгиси.
19,50 Ёшлар қуйлаганда.
20.10 Санъат усталари. Замира Ҳидоятова 1-қисм.
20.35 Давр мавзуси.
20.50 Мусиқий лаҳза.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Лафз». Б/ф 4-қисм.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 «Менинг исмим масҳарабоз». Б/ф 3-қисм.

ТОШКЕНТ tTV

18.15 Болажонлар экрани.
18.30 «Пойтахт»
18.50 «23,5 даражали бурчак остида»
19.15 «Юртим жамоли».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.50 «ТВ анонс».
20.25 «Камила». Т/с.
20.45, 21.20 «Телекурьер маркет».
20.55 «ТВ юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Экология кунларига»
21.55 «Д`артаньян ва уч мушкетёр». Б/ф. 3-қисм.
23.05 «Тунчироқ».

СПОРТ SPORT TV

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 М/с.
8.45 «Спорт-клуб».
9.00 «Хабарлар».
9.20 Енгил атлетика. Супер гран-при.
10.10 Теннис. Ролан-гаррос.
11.00 «Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси».
11.15-12.10 «Талисман». Т/с.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 М/ф.
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Вокруг света».
19.15 «Сам себе режиссёр».
20.00 «Вести».
20.30 «Беллашув».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Аптека слушает».
22.35 «Мадам Бовари». Х/ф.

ЖУМА 9

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Дельфинлар».
9.40 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Шумтакалар». М/с.
10.35 «Ватан туйғуси».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 Олтин мерос.
12.05 «Ҳамкорлик ришталари». Ўзбекистон-Россия.
12.25 «Бир асар тарихи».
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 «Зилол». Фольклор қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 Жаҳон мусиқаси ҳазинасидан. Д. Верди. Отелло. 2-қисм.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 Бизнес янгиликлари.
17.40 «Рангин дунё».
18.00 «Минг бир ривоят».
18.05 «Ҳидоят сари».
18.25 «Боғ». Видеофильм. 5-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Оҳангларга ошуфта кўнгил». И. Фармонов куйлайди.
22.05 «Ёз ифори». Т/с.
23.15 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.25 «Илоҳий жониворлар».

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Расмлар сўзлаганда.
8.20 «Таня ва икки мушкетёр». Болалар учун фильм.
9.30 Жаҳон жўғрофияси.
9.40 Хазина.
10.00 Давр.
10.15 Санъат усталари. Замира Ҳидоятова 1-қисм.
10.40 «Парилар салтанати». Б/ф. 2-қисм.
11.55 Жаҳон жўғрофияси.
12.05 Давр мавзуси.
12.25 «Тақдир». Т/с.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 «Ратилар оиласи».
14.25 Сифат белгиси.
14.35 Айланай.
15.05 Мусиқий лаҳза.
15.10 «Даллас». Т/с.
16.00 Давр.
16.15 Болалар табассуми.
16.20 Антиқа томоша.
16.50 Мусиқий лаҳза.
16.55 Нигоҳ.
17.30 Аскар мактублари.
17.50 Анонслар.
18.00 «Шамолларда қолган ҳисларим». Б/ф 5-қисм.
18.45 Мусиқий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 «Моя мечта». Дунё таомлари.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Санъат усталари. Замира Ҳидоятова 2-қисм.
20.35 Ёшлик наволари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Лафз». Б/ф 5-қисм.
21.40 Анонслар.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 «Менинг исмим масҳарабоз». Б/ф 4-қисм.

ТОШКЕНТ tTV

18.15 Болажонлар экрани.
18.30 «Пойтахт»
18.50 «23,5 даражали бурчак остида»
19.15 «Фуқаролик жамияти сари».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20 21.50 «ТВ анонс».
20.25 «Камила». Т/с.
20.45 21.20 «Телекурьер маркет».
20.55 «ТВ юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Аёл қалби».
21.55 «Анъаналар этади давом».
22.20 «Жадвалдан ташқари поезд». Б/ф.

СПОРТ SPORT TV

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 «Путешествия натуралиста».
8.45 «Равнақ» студияси намойиш этади.
9.00 «Хабарлар».
9.20 «Ринг».
9.50 Теннис. Ролан-гаррос.
10.40 Футзал.
11.15 «Талисман». Т/с.
12.15-13.30 «Келин-куёв». Шоу дастур.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 М/ф.
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.30 Жаҳон чемпионати - 2006 кундалиги.
21.00 Футбол. Жаҳон чемпионати
22.50 Юмористический концерт.
24.00 Футбол. Жаҳон чемпионати.

ШАНБА 10

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олтин тож». Телеўйин.
9.20 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 «Мусиқа дунёси».
9.50 «Оналар мактаби».
10.10 1. «Чинсен». 2. «Маврид».
10.50 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.30 «Заковат».
12.25 «CINEMA.UZ».
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 «Йиллар армони».
16.10 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 «Дил таронаси».
17.20 «Одами эрсанг».
17.45 «Минг бир маслаҳат».
18.05 «Саломатлик сирлари».
18.25 «Боғ». Видеофильм. 6-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Меҳр кўзда».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ёшлик оқшоми». 1-қисм.
22.45 «Ҳаёт давом этади».
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23:15 «Тиниқ дарё мавжлари». Б/ф. 1-қисм.

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Болалар табассуми.
8.15 «Бўз бўрининг саргузаштлари». М/ф.
9.05 Анонслар.
9.15 Аждодлар садоси.
9.20 Бола тилидан.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 Санъат усталари. Замира Ҳидоятова 2-қисм.
10.35 «Петербурглик чиновник». Б/ф.
12.00 Шифокор қабулида.
12.25 «Тақдир». Т/с.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.20 Нигоҳ.
14.55 «Болалигим-пошшолигим». Болалар учун концерт.
16.00 Давр.
16.15 Меҳмонхона.
16.35 «Қўшқулоқ».
16.55 Чемпион сирлари.
17.15 «Германия-2006».
18.00 «Шамолларда қолган ҳисларим». Б/ф. 6-қисм.
18.45 Каталог.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Юлдуз билан...
20.10 «Камолот» хабарлари.
20.20 CINEMA BOLLIVUD.
20.35 «Лафз». Б/ф 5-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 SMS-кинотанлов якуни. Б/ф.

ТОШКЕНТ tTV

«8.00-13.00»гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.15 Болажонлар экрани. «Табассум».
18.30 «Шунақа гаплар» ҳажвий кўрсатув.
18.50 «23,5 даражали бурчак остида»
19.15, 20.45, 22.00 Тв анонс.
19.20, 21.10 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Тв юрист».
20.05 «Ўсимлик дунёси, Бахмал».
20.25 «Камила». Т/с.
20.50 «Оқшом наволари».
21.20 «Нима учун?»
22.05 «Ниҳол мукофоти совриндорлари». Исроил Саидумаров.
22.35 «Тўс-тўполон». Б/ф. 1-қисм. Ҳиндистон.

СПОРТ SPORT TV

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.15 Х/ф.
11.00 «Военное дело».
11.20 «Соғлом оила».
11.50 М/ф.
12.00 Х/ф.
13.40 «Sport-кадр».
13.55-14.35 «Стать ближе». Ток-шоу.
18.00 Футбол. Жаҳон чемпионати.
20.00 «Вести».
20.20 Жаҳон чемпионати - 2006 кундалиги.
21.00 Футбол. Жаҳон чемпионати.
22.50 «Тақдир чизгилари».
23.10 «Иқтидор». Интеллектуал шоу.
24.00 Футбол. Жаҳон чемпионати.

ЯКШАНБА 11

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Камалак» экрани.
9.40 «Саломатлик сирлари».
10.00 «Ватанпарвар».
11.05 1. «Ўйла, Изла, Топ!» 2. «Шумтакалар». М/с.
12.05 «Ғайратли йигитлар».
12.25 «Тати Даниэль». Б/ф.
14.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.15 1. «Олтин тож». 2. «Фунтик ва бодринглар». М/ф.
17.10 «Оҳанглар оғушида».
17.25 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
17.55 «Боғ». Видеофильм. 7-қисм.
18.40 «Интеллектуал ринг».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»
20.05 «50х50». Ток-шоу.
21.00 «Таҳлилнома».
21.50 «Ёшлик оқшоми». 2-қисм.
22.55 «КиноТеатр».
23.15 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.25 «Тиниқ дарё мавжлари». Б/ф. 2-қисм.

ЁШЛАР YOSHLAR Telekanali

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Анонслар.
8.05 «Гуллар шаҳри». М/ф.
8.30 Меҳмонхона.
8.50 «Камолот» хабарлари.
9.00 «Ажойиб кичкинтойлар». Б/ф.
10.35 Оҳанрабо.
11.15 Якшанба нонуштаси.
11.45 «Ажойиб кичкинтойлар-2». Б/ф.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.20 «Қилни қирқ ёриб...»
15.15 Давр спорти.
15.30 Ринг қироллари.
16.20 Чемпион сирлари.
16.40 Анонслар.
16.50 «Кун тартиби». Нодира Қурбонова ва «Томоша».
17.40 Полапон.
17.55 Анонслар.
18.00 «Journal» (инглиз тилида)
18.20 Ўзбекистон дунё нигоҳида.
18.35 Мусиқий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.40 «Учрашув». Б/ф.
20.10 Телепортрет.
20.30 «Гап йўқ».
21.20 Кўнгил таронаси.
21.40 CINEMANIYA.
22.00 «Ёлғиз ёдгорим». Б/ф.

ТОШКЕНТ tTV

«8.00-13.00»гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30 «Қандай гўзал бу дунё».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида»
19.20, 21.15 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Журналист таҳлили».
20.20 «ТВ-юрист».
20.25 «Туризм ҳақида».
20.55 «Оқшом наволари».
21.25 «Дурдона».
22.05 «Тўс-тўполон». Б/ф. 2-қисм. Ҳиндистон.

СПОРТ SPORT TV

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.10 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.15 «Фазенда».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.00 «Проф-РИНГ».
12.50 «Дув-дув гап». Шоу дастур.
13.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» - «Трактор».
14.40-15.00 «Кўнгилга йўл».
18.00 Футбол. Жаҳон чемпионати.
20.00 «Вести».
20.20 Жаҳон чемпионати - 2006 кундалиги.
21.00 Футбол. Жаҳон чемпионати.
22.50 Иккинчи республика аёллар спартакиадаси.
23.40 «Ровесник».
24.00 Футбол. Жаҳон чемпионати.

Диққат, темир йўл кесишмаси!

АСОСАН ҲАЙДОВЧИЛАР АЙБДОР

Сўнгги вақтларда темир йўл кесишмаларида поездлар билан автомобиль транспортларининг тўқнашувлари сони ортиб бормоқда.

Тошкент минтақавий темир йўл узели ҳудудига Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги темир йўллар киради. Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг хизмат доирамиз ҳам ушбу ҳудудлар билан белгиланади. Шу йилнинг ўтган даврида йўл кесишмаларида тўрт марта поездларнинг автомобиль транспорти билан тўқнашуви содир бўлди. Ўтган йилнинг шу даврида бундай ҳол икки марта содир бўлганди.

Бу йилги тўқнашувларнинг иккитаси Тошкент вилоятида, иккитаси эса Жиззах вилоятида содир бўлди. Фақат бахтли тасодиф туфайлигина талафот бўлмади, атроф-муҳит зарар кўрмади. Бу бахтсиз ҳодисаларнинг юз беришида эса автомобилларни бошқараётган ҳайдовчилар айбдорлар. Улар йўл кесишмаларида ҳаракат кўрсаткичлари ва светофорнинг огоҳлантирувчи чироқларини менсимай, келаётган поезд олдидан ўтиб кетмоқчи бўлганлар.

Темир йўл транспорти ходимлари томонидан темир йўл кесишмаларида автомобиль транспорти эгалари томонидан 555 та қоидабузарликлар қилингани тўғрисида 57 та хат киритилган. Аммо Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Сирдарё вилояти йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан айбдор ҳайдовчиларга нисбатан жиддий чора кўрилмаяпти. Мисол учун шу йилнинг ўтган даврида йўл-патруль хизматига ёзилган хатларнинг 5 тасига, яъни 80 қоидабузарликка жавоб олинди, холос.

Йўл-патруль хизмати ва «Ўзавтойўл» йўл кесишмаларини тартибли сақлашга, уларни керакли кўрсаткич воситалари билан жиҳозлашга эътиборни кучайтирса яхши бўларди. Шунингдек, автохўжаликларда, корхоналарда, ҳайдовчиларни тайёрлаш мактабларида ва маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришга ҳам кўпроқ аҳамият бермоқ лозим.

Хусниддин ОТАХЎЖАЕВ,
«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси Тошкент филиали бошлиғи.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

Сизларни "Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali" савдолар залида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

2006 йил 3 июль куни соат 12.00 даги савдога тугатилаётган Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманида жойлашган, "Ўртачирчиқ" очиқ акциядорлик жамиятининг қуйидаги мол-мулклари қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Авангард қўрғонида жойлашган "Ўртасарой" хўжалик ҳисобидаги савдо-ишлаб чиқариш корхонасининг 8-сонли дўкон биноси.

Бошланғич баҳоси – 1 270 000 сўм (объектнинг сотилиш баҳосидан ташқари 100000 сўм баҳолаш хизмати учун тўланади).

2. Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қорасув қўрғонида жойлашган "Қорасув" хўжалик ҳисобидаги

Болалар спорти

Тошкент туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби 1998 йили туман халқ таълими бўлими негизида ташкил топган. Ҳар йили мактабдан камида 8-10 нафар маҳоратли спортчилар етишиб чиқмоқда. Жумладан, Дилшод Мансуров эркин кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, Осиё чемпиони, «Шуҳрат» медали соҳиби. 2004 йил Афинада бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида иштирок этиб, нафақат туман шаънини, балки республикамиз довруғини яна бир бор дунёга таратди. Мактаб директори Турдиш Усмоновнинг айтишича, ҳар йили мактабнинг икки-уч нафар ёш футболчилари олий ва биринчи табақа жамоалари таркибига қабул қилинмоқда. Шунингдек, 18 ёшли Маҳкам Нўъмонов «Машъал» жамоаси шарафини ҳимоя қилмоқда.



НАТИЖАЛАР ДУРУСТ, АММО ШАРОИТ...

Тўғри, эришилган ютуқларни бирма-бир санаш мароқли. Бироқ, биз мактабни сиртидан томоша қилиб, шундай салобатли спорт иншоотларини барпо этиш мумкин экан-ку, дея ҳайратландиг-у, бино ичига кириб, ўзгача манзарага гувоҳ бўлдик. Ички деворлар қорайиб, кўчиб кетган. Бино таъмирталаб аҳволда.

— Спортзалларининг биронтаси ҳам талабга жавоб бермайди, — дейди куюниб мактаб директори Турдиш Усмонов. — 664 нафар ёшларни спортнинг турли йўналишларига жалб этишнинг иложи бўлмаяпти.

Ўйлаб қаралса, ҳозир республикамиз бўйича спортнинг 96 тури амалда бўлган бир пайтда ёшлар учун 8 турдаги спорт секциялари кам эмасмикин? Жами 24 мураббий фаолият юритаётган ушбу мактабда мусобақаларни ўтказиш учун инвентарлар етишмайди, борлари ҳам бир аҳволда. Ҳамкор ташкилотларни-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

— Айни пайтда яхши шаклланган футбол жамоамиз бор, аммо имкониятлар етарли бўлмаганлиги учун уни ҳатто, иккинчи табақага ҳам олиб чиқолмаймиз, — деди мактаб директори. — Иложсизликдан умидли спортчиларимизни кўпгина шаҳар жамоаларига бериб юборяпмиз. Қолаверса, кўзга кўринган энг сара ёш курашчиларимиз назардан четда қолишаяпти. 5-7 май кунлари Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида бўлиб

ўтган халқаро турнирда тарбияланувчиларимиздан бири Азиз Ҳикматов эркин кураш бўйича кумуш медаль соҳиби бўлди. Балки бу спортчи «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақаларида иштирок этганида, вилоятимизга кумуш ёки олтин медални келтирармиди?

Мактаб ҳовлисидаги янги таъмирдан чиққан ҳовуз сувсиз ётибди. Оз муддат ичида саккиз-ўн нафар сузишга қизиқувчи спортчилар келиб, ноумид қайтиб кетишганини кўриб, ачиндик.

— Ҳовуз таъмирдан чиқарилгач, сув билан тўлдирган эдик, — деди Сауле Сагимбаева. — Энди хурсанд бўлаётганимизда насос ишламай, бузилиб қолди. Тузатайлик десак, молиявий манбаларимиз йўқ. 500 минг сўм сарфланса, ҳовуз яна ишлай бошлайди, мусобақалар кўпаяди. Бу масалада ҳам ёрдам бериш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

Бинонинг иккинчи қаватига кўтариламиз. Бу ердаги хоналардан бирида Мурод Очилов мураббийлиги остида саккиз нафар ёшлар каратэ бўйича машқ қилишаётган экан. Мурод Очилов бир неча бор Ўзбекистон ва халқаро турнирлар ғолиби, II ДАН қора белбоғ соҳиби, халқаро тоифадаги спорт устаси. Унинг қўл остидаги шогирдларидан Фозил Собиров ва Дилшод Юсупов бир неча бор Марказий Осиё ва Ўзбекистон чемпиони бўлишган экан. Энди хонанинг аҳволига келсак, деворларнинг бўёғи кўчиб кетган, болалар махсус каталарни бажарай деса, ердан чанг кўтарилмоқда. Кўринадики, хона таъмирланганига анча йиллар бўлган. Бу ерга ёшлар каратэ билан шуғулланиб, соғлом бўлиш учун келадими ёки чанг ютиб касал бўлиш учунми? Шу ерда шуғулланаётган энг ёш каратэчини суҳбатга тортамиз.

— Бир неча йиллардан бери, шу тўгаракда шуғулланаман, — деди ўзини Жалолиддин Нуриллаев деб таништирган бола. — Махсус асбоб-анжомлар йўқ. Хоналар эски ва таъмирталаб бўлса ҳам мусобақаларда яхши қатнашаяпмиз. Шу йилнинг март ойида Фарғонада бўлиб ўтган халқаро турнирда биринчи ўринни эгалладим. Шаҳарлик тенгдошларимиз сингари биз ҳам замонавий спорт мажмуаларида шуғулланишни хоҳлаймиз. Лекин шароит бўлмагач, қўлимиздан нима келади.

Суҳбат давомида болаларнинг ташвишли сўзларини тинглаб, жовдираган кўзларига тикилиб, буларда нима гуноҳ, деган фикр хаёлимиздан ўтди.

Тўғрида, уларнинг шаҳарлик тенгдошларидан қаери кам? Ахир гап янги ўйингоҳлар қуриш устида бораётгани йўқ-ку. Ҳамма гап озгина эътиборда. Тайёр спорт иншоотларини жиҳозлаб, болалар учун шароит яратиб берилса бас.

Президентимиз таъкидлаганларидек, биринчи навбатда болалар спортининг моддий базасини шакллантириш, умумтаълим мактаблари қошида ва аҳоли яшаш жойларида замонавий болалар спорт мажмуалари тармоғини барпо этиш, замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланиш зарур.

Афсуски, Тошкент туманидаги корхона, ташкилот, хўжаликлар ҳамда маҳалла фаоллари бу масалада эътиборсизлик қилмоқдалар.

Истардикки, туманда болалар спортини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган ишлар тезроқ амалий тус олса. Албатта, бу борада мутасадди идоралар ва ҳомий ташкилотларнинг ҳиссалари салмоқли бўлмоғи лозим.

Отабек ЭЛТОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Тўртликлар

ҲИКМАТЛАР ЎЙЛАДИМ

Яхшилик қилдиму дарёга отдим,
Миннат бўлмасин деб изин йўқотдим.
Дунёнинг мен билмаган сири кўп экан,
Етти ёт бегонадан отганим топдим.

* * *

Туғилмоқ ва ўлмоқ давом этади,
Қайдан келган бўлса, шу ён кетади.
Ҳаётда не юмуш қилгани билан
Инсон кимлигини баён этади.

* * *

Мусибатли кунларда сабр саодатдир,
Сабр таги раҳмон – шарофатдир.
Раҳмон йўли инсонга яхшиликдир,
Мусибат синови ақли камолатдир.

* * *

Шараф курсисига ўтирса жоҳил,
Заҳар манзилига айлантиради.
Ёрдамга келади худбину бахил,
Дунёни қирғинга шайлантиради.

* * *

Уйқусиз кечанинг хаёллари кўп,
Ёш бола сингари саволлари кўп.
Ҳаёллар, саволлар ижобат бўлса,
Келажак умрнинг камоллари кўп.

* * *

Дейдилар одамни алам йиғлатади,
Ёлғизлик, етимлик ва ғам йиғлатади.
Аламу ғамларни гуноҳкор этманг,
Аслида одамни одам йиғлатади.

Ҳайдар МУҲАММАД.

Яхшилар ёди

Ҳамза УМАРОВ:

«БУЮК РОЛИМНИ ЎЙНОЛМАДИМ!»

Илк театрга келган кезларим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Роҳатланиб, фахрланиб эслайман.

Ҳамза Умаров театрга кириб келдилар. Ҳазил-ҳузул қилиб турган катта-кичик актёрлар дарҳол ўзларини йиғиштириб, одоб сақлаб турдилар. Худди ҳарбий қисмга генерал кириб келгандек вазият юзага келди. Ҳамма бирин-кетин аканинг қўлларини олишди. Мен учун Ҳамза Умаров билан кўришиш улкан унвон эди. Оғзимнинг таноби қочиб, ичимга сиғмай кетдим. Ҳамза Умаров менга яна бир қарадилар... Юрагим гурс-гурс ура бошлади. Ғайритабиий ҳаракатлар қилганимни сездилар чамамда:

— Бахтиёр, бу йигитча янгими дейман? — деб қолдилар.

— Ҳа, янги, институтдан сўровнома билан олиб келдим, — деди бош режиссёр Бахтиёр Ихтиёров.

— Бўладиганми ишқилиб?

— Боқса одам бўлади, Умарович. Бирга боқамиз-да. Нима дейсиз?

Ҳамма катта актёрлар кулишди. Суръат Пўлатов, Файзулла Аҳмедов, Фарзиддин Фаёзов, Собиржон Раҳимжонов, Абдуҳолиқ Мамарасулов, Рустам Маъдиев, Насриддин Рустамов, Бахтиёр Ихтиёров, Шуҳрат Расулов ва яна бир қанча катта-кичик актёрлар даврасига Ҳамза Умаров худди подшохдек ярашиб турганлар. Шукрки, Ҳамза акани эътиборига тушдим. Гастроль сафарларида кўп бирга бўлдик. Ҳамза акам битта гапирардилар. Ўта нозик таъб эгаси, саҳнага эса жуда талабчан, бирга чиқадиган шериклардан ҳам катта масъулият талаб қиладиган ўта жиддий актёр эдилар.

«Паранжи сирлари» мусиқали драмасини Бахтиёр Ихтиёров саҳналаштирмоқда. Ҳамза Умаров Холисхоннинг отасини ўйнайдилар. Репитиция олдидан стол атрофида ҳар бир актёр ролини ўқийди. Ҳамманинг қўлида роль дафтари, уста эса ёддан ўқирдилар. Хотиралари мустаҳкам эди. Устанинг яна бир эътиборни тортадиган хислатлари — саҳнада қандай ҳаракат қўйилган бўлса, бир ёки 100 марта шу саҳнани ижро этсалар ҳам ҳеч қачон ўзгартирмас эдилар. Ҳатто, қайси овозда гапирсалар ҳар доим ўшандай ижро этардилар. Худо кўрсатмасин, агар саҳнадоши бошқача гап гапирса, қиёмат бўларди. У киши ролни бузиб ўйнаганларни кечирмас эдилар. Шу боис ҳамма актёрлар уста билан роль ўйнаб қолишса, жуда эҳтиёт бўлишарди. Кўпинча пьеса муаллифларидан хафа бўлардилар. Сўзлар ҳаётий эмаслигидан куюниб, ўзлари бошқатдан ёзиб олардилар. Саҳнада қандай хатти-ҳаракат лозим бўлса, эринмасдан ҳаммасини бажарардилар.

Ҳамза Умаров билан отабола бўлдик. Йиллар ўтди. Уста ролларим ва кези келганда, ҳаётим билан ҳам қизиқадиган, жўяли маслаҳатлар берадиган бўлдилар. 5-6 йил театрда ишлаб, босар-тусаримни билмай, саҳна ўзимникидек роль ўйнаган кунларимнинг бирида, уста саҳна ортида мени кузатиб турган эканлар.

— Ие, ассалому алайкум, уста. Шу ердамидингиз? — дедим каловланиб.

— Ҳа, шу ердаман, болам! — уста жиддий елкамга уриб қўядилар. — Ижодингиз ёмон эмас. Аммо қалтис йўлдан кетмаяпсизмикин дейман?!

— Йўғ-е, Ҳамза ака, шу ердалигингизни билмабман, билганимда бошқачароқ ўйнардим.

— Ҳа, баракалла! Сиз шу фикрда адашмаяпсизми? Ҳали одам танлаб ўйнайдиган бўлдингизми?

— Йўқ, уста.

— Болам, бир нарсани айтай, икки қулоғингиз билан яхшилаб эшитиб олинг. Актёр саҳнага чиқдими — юрагини қуйдириб роль ўйнаши керак. Томошабин қанча ва қанақа тоифадан бўлишидан қатъи назар саҳнада ўта масъулият билан ишлаш керак. Ҳар куни, худди биринчи марта ўйнаётгандек ўйнаш керак спектаклни. Актёрда ҳеч қачон ҳаяжон йўқолмаслиги керак. Ҳаяжон дегани, бу актёрнинг саҳнага, томошабинга бўлган ҳурматидир. Актёр ҳар сафар саҳнага чиқар экан, имтиҳондан ўтади. Имтиҳоннинг баҳоси эса, ҳар доим аъло бўлиши шарт! Ўшандагина сиз катта актёр бўла оласиз, болам! — дедилар уста қошларини чимириб.

Мен жойимда узоқ қотиб қолдим. Шу-шу устанинг айтган ўгитлари мен учун дастуриламал бўлиб келади.

Ҳамза Умаров умрларининг сўнгги йилларида Латиф Файзиевнинг илтимоси билан Миллий театрга ўтиб, ижодларини давом эттирадиган бўлдилар. Ҳар куни ёки кун ора уста аёлларини олиб кетгани Муқимий театрига келардилар. Лола опа бизда пардозчи (гримёр) бўлиб ишлардилар. Ҳар келганларида уста билан узоқ гаплашаман. Негадир, маъюс бўлиб қолгандилар ўшанда.

— Уста, нега театримиздан кетдингиз? Ахир кўз очиб кўрган қадрдон театрингиз, қолаверса, шогирдларингиз бор, хурматли отахонимизсиз, фахримизсиз, — дедим устага.

— Оҳ, болажоним-а. Ахир бу ерда менинг ўйнайдиган ролим қолмади-ку. Ролсиз қайси виждон билан маош оламан, — дея нуронийларга хос ним табассум қиладилар.

— Ахир, уста, сиз ўйнаган ҳар бир ролингизнинг салобати асрларга тенг-ку. Баъзилар неча йилдан бери роль ўйнамай ҳам маош олиб юришибди-ю... — дедим.

— Агар шогирдим бўлсангиз эшитинг, болам. Мен Ҳамза Умаровман. У сиз айтган, ишламай маош оладиган баъзи актёрлар тоифасига кирмайман. Виждоним қийналади. Сиз ҳам Боир Ҳолмирзаев бўлинг! Келажакда шогирд орттирсангиз, шу сўзларимни уларга уқтиринг! Ботбот уқтиринг, — дедилар ва Лола опамни машиналарига ўтқазиб олиб кетдилар.

Миллий театрда ҳам устанинг олдиларига ҳар куни бораман. Ғарчанд у театрдаги ҳамма актёрлар устани ҳурмат қилишса ҳам кўзимга худди бегоналар ичига тушиб қолгандек туюлаверади. Яна билмадим. «Ойна», «Қутлуғ қон», «Куёв» спектаклларидаги роль ижрочиларига дублёр бўлиб кирдилар. Ғани Аъзамов ва Зикир Муҳаммаджоновнинг ролларини қойил қилиб ўйнагандилар ўшанда.

Уста ўлимларидан бир кун олдин ҳам театримизга келиб аёлларини олиб кетгандилар. Ўшанда бошқачароқ кўрингандилар.

— Съёмкаларимнинг охирида озгина чаласи бор эди, ниҳоясига етказдим. Дубляжимни ҳам тугатдим. Мўлжалланган ролларимни ҳар ҳолда ўйнадим... Энди кўнглимдаги энг буюк ролларимдан бирини ўйнашим керак, — дегандилар...

Афсуски, эртасига...

Боир ҲОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
Маннон Уйғур номидаги санъат институти доценти.

Агар хамиртурушли хамир сутда эмас, қатиқда қорилса, у янада енгил бўлиб кўпчиб чиқади.

* * *

Балиқни тозалашдан аввал 30 дақиқага қайнатилган сувга солиб, сўнг қуруқ сочиқ билан артиб ташласангиз, осон тозаланади.

* * *

Тухумнинг фақат оқини ишлатиш зарур бўлса, сариғини сувли стаканга солиб қўйиш мумкин. Бундай ҳолда у музлатгичда узоқ сақланади.

* * *

Унни ишлатишдан аввал, албатта, элакдан ўтказиш лозим, бунда ун ҳаво билан тўйинади. Натижада тайёрланган таом енгил, юмшоқ бўлиб пишади.

Тошкент Давлат университети томонидан 1971 йил 1 июнда Абдиева Анор номига берилган Э 159241 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек туманидаги машинасозлик коллежи томонидан (БШ-2) 2002 йил 28 июнда Хусаинова Фариза Атхамовна номига берилган КНТ 259509 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

2004 йил 16 февралда «FARM MARKET» хусусий фирмасига берилган П 3199 (реестр рақами 1482-02) рақамли, Ф 001554 серияли фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилоят кадастр бошқармаси томонидан 2000 йил 12 майда «DOSTON» М.К.К.Ж.К.га берилган 8003631105 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«NASIR SERVIS» хусусий корхонаси томонидан 2006 йил 2 майда 30 L 6115 рақамли «Форд транзит» русумли автоуловга берилган АТ 0004989 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек ҳокимияти томонидан 2005 йил 27 октябрда Собир Раҳимов тумани, Ленточная 6-тор кўча, 2-уй манзили бўйича, Ж. А. Аҳмедов номига берилган ЖШ 016565 рақамли (рўйхат рақами 813/04)лицензия йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянное свидетельство о среднем образовании А № 429285, выданное в 1994 году школой № 302 Юнусабадского района г. Ташкента на имя Ли Евгения Эмировны,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти жамоаси газетанинг ўз мухбири Даврон Аҳмедовга укаси
Умиджон АҲМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЭКРАНДА — «КАТТА ОЙИ»

Алишер Навоий номидаги кино саройида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига асосан "Ўзбекфильм" киностудиясида суратга олинган "Катта ойи" бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тўйчиев ва шоира Кавсар Турдиева сценарийси асосида режиссёр Фотиҳ Жалолов суратга олган ушбу картина меҳрибонлик уйи, фидойи ва ғамхўр мураббийларнинг фаолияти ҳамда у ерда тарбияланувчиларнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Барча болалар "Катта ойи" деб атайдиган мураббий опа қора ниятли кимсаларнинг туҳмати сабаб ишдан кетишга мажбур бўлади. Аммо, болалар ва катталарнинг ҳамкорликдаги астойдил саъй-ҳаракатлари туфайли адолат тикланади.

Султон Мирзааҳмедов тасвирга олган янги картинанинг жозибали мусиқаларини Жамшид Изомов басталаган. Шўх-шодон қўшиқларни "Томоша" болалар вокал-этнографик гуруҳи ижро этган. Бош ролларни Ўзбекистон Қаҳрамони – Зикир Муҳаммаджонов, таниқли актёрлар – Ноила Тошкенбоева, Беҳзод Ҳамроев, Зилола Ҳақбердиева, Алишер Отабоев ижро этган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Уважаемые господа предприниматели!

ООО «Делта Траде Бизнес» предлагает Вам посетить аукционные торги, которые будут проводиться 5 июля 2006 года в 10.00 по адресу: Шайхантахурский р-н, Ц-14, дом-19. На аукционные торги будет выставлен нежилой комплекс под офис общей площадью 193 кв.м, находящийся по адресу: город Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Навои, торговые ряды.

Стартовая цена объекта 19 547 500 сум.

Для участия на аукционных торгах по покупке недвижимого имущества необходимо внести заклад в размере 10 % от стартовой стоимости объекта. Принятие заявок для участия прекращается за 1 час до проведения торгов. В случае, если выставленный объект не будет продан 5 июля 2006 года, то следующие торги будут проведены 12, 19, 26 июля, и 2, 9 августа в 10.00.

Для получения информации обращаться по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский р-н, Ц-14, дом-19. Телефоны: 144-88-02, 131-98-60.

В связи с утратой статуса юридических лиц с 1 июля 2006 года предприятий:

1. Трамвайное депо № 2 (ул. Лутфий, 57)
2. Трамвайно-троллейбусное депо № 3 (ул. Т. Малика, 3 А)
3. Троллейбусное депо № 2 (ул. Арнасай, 4)
4. Служба пути (ул. У. Олимбекова, 40)
5. Служба по обслуживанию городского электрического транспорта (пр-кт Узбекистанский, 41 А)
6. ГУП технического центра «Таштатрасервис» (ул. Лутфий, 57)

правопреемником считать ГК «Ташэлектротранс». Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, 1-й проезд, ул. А. Темура, 6.

Бир шингил табассум

БЕНЗИНИ ТУГАСА...

Бир киши ҳовлиқиб телефон қилаяпти:

— Алло! Алло! «Тез ёрдам»ми? Ёрдам беринглар! Хотиним билмасдан бир стакан бензин ичиб юборди.

Навбатчи сўради:

— Фамилияси?

— Норқулов...э, тфу, Норқулова.

— Ёши?

— Ёшини ўзим ҳам билмайман. Қирқдан ошган деб ёзаверинг. Алло! Тезроқ етиб келинглар, илтимос...

— Ҳозир хотинингиз нима қилаяпти?

— Дод солиб, ҳовлини айланиб юрибди.

— Унда қўрқманг, — деди навбатчи. — Бензин тугагач, ўзи тўхтайди.

ЖАРАҚ-ЖАРАҚ ПУЛИ БЎЛСА

Икки дугона хиёбонда музқаймоқ еб ўтирибдилар. Биттаси деди:

— Ўртоқжон, кейинги пайтда совчилар жонимга тегиб кетди. Келавериб, эшигимни тўздириб юборишди. Нима қилишга ҳайронман.

— Бирортасига хўп дея қолмайсанми? Сенга ўзи қанақа йигитлар ёқади?

— Менгами? Хўш, қадди-қомати келишган бўлса — бир, ўзи ақлли бўлса — икки, чўнтаги тўла жарақ-жарақ пул бўлса...

— Э, унда сен уч марта эрга тегишинг керак экан...

УЙЛАНИШ

Кўчада икки ошна учрашиб қолди.

— Бердивой, тинчликми, дўстим? Бу дейман, лотереяга чиқадиган ютуққа ўхшаб жа-а, камнамо бўлиб кетдинг?

— Э, сўрама, азизим! Турмушим ит ётиш, мирза туриш бўлиб қолган эди. Кир-чиримни ўзим ювиб, қотган нон еб, уй йиғиштириб... зерикдим. Охири уйландим.

— Қара, бошимизга бир хил савдо тушган экан. Мен ҳам кўйлак-шимга ҳар куни ўзим даззмол босиб, пайпоқ ювиб, овқат қилиб тоза чарчадим.

— Сен ҳам уйландингми?

— Йўқ, хотин билан ажрашдик.

С. ҚАРНОҚЛИ ТЎПЛАГАН.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-840. Адади 5761. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5